

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

2021 йил 17 декабрь куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг видеоконференцалоқа режимидаги очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Т.Туракулов,

ҳайъат судьялари: А.Инамов ва Н.Раимқуловдан иборат таркибда, М.Иномхоновнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Игамбердиев, ҳимоячи С.Ҳамрожонов, судланган ТХнинг иштирокида, ТХга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 28 октябрдаги ҳукмига кўра:

ТХ,

шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, -уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2021 йил 29 июндан буён қамокда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил, 109-моддаси 2-қисми билан 1 йил, ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ТХ 2021 йил 28 июнь куни соат 19 ларда УЭни Фарғона шаҳар Айжувозбоши кўчасида жойлашган “Титов” номли ошхона яқинига чақириб, акаси ШХ билан тортишиб уни ҳақоратлаганлиги сабабли УЭга акасидан узр сўрашини айтиб, ўзаро гап таллашиб, ўзи билан олиб келган ошхона пичоғи билан УЭни тос соҳасига бир маротаба ва унинг шериги ИТнинг чап биқин соҳасига бир маротаба уриб, ИТни баданига қасддан оғир шикаст, УЭни баданига қасддан соғлигини қисқа вақтга бузилишига сабаб бўлган енгил шикаст етказганликда айбли деб топилган.

Судланган ТХ ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятида, жабрланувчи ИТга оғир шикаст етказган бўлсада, хозирда унинг саломатлиги тикланиб, ишга қайтгани, унинг умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолмагани сабабли ҳаракатларига қайта ҳуқуқий баҳо бериб, жабрланувчиларнинг даъволари йўқлигини инобатга



олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлашни сўраган.

Жабрланувчилар ИТ ва УЭ ўзларининг эътирозномаларида, шикоятга эътирозлари йўқлигини билдиришган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Т.Туракуловнинг маърузасини, прокурор С.Игамбердиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи С.Ҳамрожонов ва судланган ТХнинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган ТХнинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” банди ва 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Судланган ТХнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг судда қилмишига тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчилар ИТ, УЭ, гувоҳ Б. [REDACTED] суддаги, гувоҳ БЖнинг апелляция инстанциясидаги кўрсатувлари, ишдаги судда текширилган ҳодиса жойини кўздан кечириш, ашъвий далилни олиш, юзлаштириш баённомалари, фотосуратлар, суд-тиббий экспертизасининг 2021 йил 12 июлдаги ИТда чап кўкрак қафаси қўлтиқ ости чизиғи устки соҳаси 7-8 қовурғалар оралиғидан қорин бўшлиғига санчиб кесилган яра аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар тоифасига кириши ҳақидаги 4717-сонли ва 2021 йил 12 июлдаги УЭда тосни ўнг ён ташқи юзаси санчилиб кесилган жароҳати аниқланиб, ушбу тан жароҳати соғлиқнинг 6 кундан ортиқ, 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабабчи бўлган енгил шикастлар тоифасига кириши ҳақидаги 4716-сонли хулосалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботини топган.

Судланган ТХнинг жабрланувчи ИТга оғир шикаст етказилган бўлсада, ҳозирда унинг саломатлиги тикланиб, ишга қайтгани, унинг умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолмагани сабабли ҳаракатларига қайта ҳуқуқий баҳо бериш ҳақидаги важлари, апелляция инстанцияси судида сўралган, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий Маркази Фарғона филиали Давлат суд эксперти БЖнинг, Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари”нинг 15-бандидаги оғир тан жароҳатлари учун таснифловчи тиббий белгиларнинг мезони бўлиб, инсон ҳаёти учун хавфли, яъни ўз моҳияти бўйича бевосита таҳдид соладиган, шунингдек, ҳаёт учун таҳдиди бўлган ҳолатларнинг юзага келтирадиган (кейинчалик-ҳаёт учун хавфли) жароҳатлар, ушбу 15.9-бандидаги кўкрак қафасининг кўкрак ва перикард бўшлиғига, ёхуд кўкрак тўкимасига ўтувчи яралари, шу жумладан ички аъзоларнинг шикастланишисиз ҳам ҳисобланиши ҳақидаги талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчи ИТда ўтказган суд-тиббий



экспертизасида, унинг чап кўкрак қафаси кўлтиқ ости чизиғи устки соҳаси 7-8 қовурғалар оралиғидан қорин бўшлиғига тешиб ўтган диафрагма ва талақни жароҳатлаган санчиб кесилган яра аниқлангани сабабли, ушбу тан жароҳатларни ҳаёт учун хавfli бўлган оғир шикастлар тоифасига кириши ҳақида 2021 йил 12 июлда берган 4717-сонли хулосасини тасдиқлашини, агар ИТга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаганида, етказилган тан жароҳатлари унинг ўлишига олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 1-бандидаги, баданга етказилган шикастнинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш тиббиёт органлари ваколатига тааллуқлилиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, баданга етказилган шикаст оғирлигини суд-тиббий йўсинда белгилаш қоидаларига мувофиқ ўтказилиши, 3-бандидаги Жиноят кодекси 104-110 моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқишлиги, агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавfli эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилиниши ҳақидаги раҳбарий тушунтиришлари ҳамда юқорида келтирилган ёзма далиллар билан рад қилинади.

Суд, судланган ТХга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, унинг муқаддам судлангани, айбига тўлиқ иқро ва қилмишидан пушаймонлиги, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олган ҳолда, унга нисбатан айбланган ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўллаб, ушбу модда санкциясида назарда тутилган энг камидан ҳам камроқ, 109-моддаси 2-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ва жиноятлар мажмуи бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келгани сабабли, унинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Шу сабабли, судлов ҳайъати ТХга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмининг тавсиф қисмида ТХга жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг



59-моддаси 3-қисми тартибида жазо тайинлашни қайд этиб, тўғри хулосага келган бўлса-да, қарор қисмида ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида жазо тайинлангани сабабли, судлов ҳайъати ушбу хатоликни бартараф этиб, унга жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазо ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми тартибида тайинлангани ҳақида аниқлик киритилган ҳолда ўқилиши ҳақида тузатиш киритишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>13</sup>, 497<sup>26</sup> ва 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

ТХга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 28 октябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ҳукмдаги ТХга жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазо Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми тартибида тайинлангани ҳақида аниқлик киритилган ҳолда ўқилсин.

Раислик қилувчи Т.Туракулов

Ҳайъат судьялари А.Инамов

Н.Раимқулов

Раислик қилувчи /имзо/ Т.Туракулов

Ҳайъат судьялари /имзо/ А.Инамов

/имзо/ Н.Раимқулов

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
вилоят суди судьяси Т.Туракулов

